

## КОРХОНАЛАР СОФ ФОЙДАНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ ТАРТИБНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

*Сатторов Тоҳир Толмас Ўгли*  
*СамИСИ ўқитувчи*

**Аннотация:** мақолада корхоналар соф фойдасни шаклланиши тартиби очиб берилган.

**Калим сўзлар:** хусусий капитал, акционерлик капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капиталнинг бошқа компонентлари, соф фойда, бошқа атама, босқичма-босқич, соф активлар,

**Аннотация:** в статье описан порядок формирования чистой прибыли предприятий.

**Ключевые слова:** собственный капитал, собственный капитал, нераспределенная прибыль, прочие компоненты собственного капитала, чистая прибыль, прочие условия, прирост, чистые активы,

**Abstract:** the article describes the procedure for the formation of net profit of enterprises.

**Keywords:** equity, equity capital, retained earnings, other components of equity, net profit, other term, incremental, net assets,

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларни тегишли маблағлар билан таъминлаш ўта долзарб масала ҳисобланади. Бундай таъминотда корхоналар хусусий капиталининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда-МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар, 2021 йил 1-январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади.<sup>1</sup> Шу жиҳатдан бугунги кунда корхоналарда хусусий капитал ҳисобини стандартларга мувофиқлаштириш масалалари бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилмоқда. Биз биламизки корхона албатта фойда олиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги №-4611 сонли қарори

мафсадида ўз фаолиятни амалга оширади. Корхоналар соф фойдасни аниқлаш учун формул ишлаб чиқилган.

**1. Сотишдан олинган фойда ёки зарар (Фс) ёки (Зс):**

$$\mathbf{Фс (Зс) = Ст - Тс, \text{ мос равишда}}$$

$$\mathbf{Фс = \text{ агар } Ст > Тс, \quad Зс = \text{ агар } Ст < Тс}$$

Бу ерда: Ст – соф тушум, Тс – сотиш таннарихи.

**2. Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар (Фаф) ёки (Заф):**

$$\mathbf{Фаф (Заф) = Фс (Зс) - Дх + Бод}$$

Бу ерда: Дх- давр харажатлари; Бод – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

**3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлар (Фух)**

**ёки (Зух):**

$$\mathbf{Фух (Зух) = Фаф (Заф) + Фмф - Змф}$$

Бу ерда: Фмф – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар

**4. Солиқгача фойда ёки зарарлар (Фст) ёки (Зст):**

$$\mathbf{Фст (Зст) = Фух (Зух) + Фф - Фз}$$

Бу ерда: Фд – фавкулотдаги фойда; Фз – фавкулотдаги зарарлар

**5. Соф фойда ёки соф қопланмаган зарарлар (Сф) ёки (Сз):**

$$\mathbf{Сф (Сз) = Фст (Зст) - Фс (Яст)}$$

Бу ерда: Фс – фойда солиғи, Яст – ягона солиқ тўлови

*Тақсимланмаган фойда* - фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига кўшилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммаси бир-биридан фарқ қилади.

Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётининг дебетига 9910

“Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Фикримизча, энг авваламбор, корхоналар соф фойдани яний аниқ таркибини белгилаш, шунингдек улар тавсифи, тан олиниши, баҳоланиши, молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши ва очиб берилиши борасида МҲХСларда белгиланган яхлит тартибларга ўтиш зарур. Чунончи, IAS 1, IAS 27, IAS 28, шунингдек IFRS 3, IFRS 10 халқаро стандартларда барча бизнес бирликларида соф фойданинг таркибий элементлари сифатида белгиланган ва тавсифланган бошқа атамаларга ўтишимиз мақсадга мувофиқ:

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Ширинов, У. Почта хизматларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги таснифий асослари. *Экономика. ЭКОНОМИКА*, 804-809.
2. ШИРИНОВ, У., & НАРЗУЛЛАЕВ, Н. МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *ЭКОНОМИКА*, 810-813..
3. ШИРИНОВ, У. МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *ЭКОНОМИКА*, 800-803.
4. Ширинов, У. А. (2022). АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1).
5. ШИРИНОВ, У., & АБДУСАИДОВ, С. СУҒУРТА КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. *ЭКОНОМИКА*, 745-749.
6. ШИРИНОВ, У., & НАРЗУЛЛАЕВ, Н. МОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *ЭКОНОМИКА*, 814-817.
7. Ширинов, У. А. (2021). AUDITORY ANALYSIS OF COMMUNICATION ENTERPRISES SEGMENTS. *Экономика и социум*, (7), 550-553.
8. Ширинов, У. А. (2021). CONCEPTUAL ISSUES OF SEGMENTARY AUDIT IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (7), 554-558.
9. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVEMENT OF METHODOLOGY OF AUDITORAL ASSESSMENT OF SEGMENTARY ACCOUNTING AND REPORTING REALITY IN COMMITTEES PROVIDING COMMUNICATION SERVICES. *Экономика и социум*, (5-2), 642-647.